Пойтахтимизнинг БИР КУНИ

САНОАТИМИЗ ОДИМЛАРИ

ЛЕНТАЛАРДА ЖОЙЛАНАР ҲАЁТ

ЛЕНИН ВА КИНО

БИР РАЙОН ЖАМОЛИ

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

17 4-йил чиқиши СЕНТЯБРЬ 1969 й. ЧОРШАНБА № 218 (982) БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тошкент: лойиҳа, қурилиш, истиқбол

Ленин райони — Ўзбекистон пойтахтининг катта ва гўзал районларидан бири. Район меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнат вахтасида турибдилар. Кўплаб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар, аҳолининг кенг истеъмол ва озиқ-овқат молларига бўлган эҳтиёжини қондиришда баракали ҳисса қўшмоқдалар. Район саноат маҳсулотлари жаҳоннинг 50 мамлакатига, жумладан саноати ривожланган Европа мамлакатларига ҳам юборилмоқда.

Районнинг бугуни кечагидан гўзал, эртаси порлоқ. Барча микрорайон ва даҳалардаги улкан қурилиш ишлари бундан далолат бериб турибди. Сўнгги уч йил мобайнида юз минглаб квадрат метр уй-жой, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, мактаб, болалар боғча ва яслилари, шифохоналар қурилди, қурилмоқда ва яна қурилади.

Газетанинг ички бетларида Ленин номли районнинг бугунги қиёфаси ва истиқболи ҳақидаги маълумотларни ўқийсиз.

ҚУВОНЧЛИ РАҚАМЛАР

Бугун

шаҳар статистика бошқармасининг ротатор машиналарида шаҳар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 йил январь-август ойларига белгиланган планнинг бажарилиш якунлари тўғрисидаги бюллетень брошюра қилиб чиқарилди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,2 процент ортди. 1968 йилнинг саккиз ойига нисбатан ҳисобот даврида меҳнат унумдорлиги 1,3 процент ортди. Шуниси характерлики, меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсган.

Шаҳардаги Куйбишев, Ленин, Октябрь, Киров, Сергели ва Ҳамза районларининг саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бирмунча оширдилар.

Шу йилнинг январь-август ойларида 156 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

МУНОСИБ БАҲО

Бугун

Москвадаги «Союзпарфюмерпром»нинг маркази бадиий ва дегустация кенгаши Тошкент парфюмерия фабрикаси ишлаб чиқарган янги маҳсулотларни тасдиқлади.

Мутахассислар «Суғдиёна» деб аталган наборга жуда юксак баҳо бердилар. Бу термада бир неча хил атир, духилар бор. Шунингдек, «Гулистон» духиси ҳам москвалик мутахассисларга манзур бўлди.

◆ ТУН ЧИРОҚЛАРИ ПОРЛАГАНДА

ДОҲИЙ ОБРАЗИ ЭКРАНДА

Тўқимачилик комбинатининг маданият саройида Совет киносининг 50 йиллигига бағишланган кинофестиваль давом этмоқда. Унда асосан «Ленин образи экранда» деган циклда бадиий фильмлар намойиш қилинмоқда.

Бугун

маданият саройида тун чироқлари порлаганда фестиваль қатнашчилари «Ульяновлар оиласи» бадиий фильмини томоша қиладилар. Картинанинг бошланиши олдидан «Ленин ва совет кинематографияси» деган темада суҳбат ўтказилади.

«ЗАМОН ВА БИЗ»

Республикада китоб ойлиги муваффақият билан давом этмоқда. Китобхонларга жуда кўп янги нашр этилган бадиий асарлар тарқатилятти.

Бугун

шаҳар маданият бошқармаси республика Ёзувчилар союзи билан биргаликда китоб ойлигига бағишлаб катта мушоира ўтказади.

Пушкин номли маданият ва истироҳат богида бўладиган бу мушоира «Замон ва биз» деб аталади. Мушоирага атоқли шоирлар билан бирга ёш ижодкорлар ҳам таклиф қилинган.



«Ўзбекхлопкомаш» заводининг меҳнатсевар коллективи ленинча юбилей меҳнат вахтасида турибишламоқда.

СУРАТДА: ўз топшириқларини 1,5 баравар адо этаётган механика цехининг токари Александр Иванов.

ҲАЁТИЙ ЛЕНТАЛАР

Бугун

Тошкент хроникаль ва ҳужжатли фильмлар студиясида янги картиналарнинг кўриги бўлиб ўтди. Янги лентлар ҳақида студия директори Носир ВАЛИЕВ бундай деди:

— Ижодкорларимиз бир неча янги картиналарни суратга олдилар. Улардан бири «СССР—араб халқларининг дўсти» деб аталади. Унда Совет Иттифоқининг араб мамлакатларига бераётган ёрдами акс эттирилган. Картинани сценарийчи Г. Мелкиянц, режиссёр А. Саидов, оператор О. Эшонхўжаевлар тайёрлашди.

Пойтахтни қайта тиклашда қурувчилар билан бирга ёшлар ҳам жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. «Ёшлар Тошкент қурилишида» деб аталган бу лентани келгуси йили Японияда бўладиган «ЭКСПО—70» га юбориш ниятидамиз.

Қадимий Самарқанд тарихий ёдгорликларидан ташқари мева-чевалари, оби-нонлари, таомлари билан ҳам киши диққатини тортади. «Самарқанд — савдо шаҳри» деб аталган картинада шаҳарнинг савдо ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.



Пойтахтимизнинг электр монтаж асбоблари заводи ишчилари баракали меҳнат қилиб, кўпгина муҳим буюртмаларни шараф билан адо этяптилар. Сиз суратдаги корхона бош йиғув цехининг ишчи слесари, коммунистик меҳнат зарбдори Тожихон Мирзаевани кўриб турибсиз. М. Нуриддинов фотолари.

Қудратли станок

«Главстройиндустрия»нинг тажриба-механика заводи механика цехида улкан металларни силлиқлайдиган ва пардозлайдиган станок ўрнатилди. Бу станок билан узунлиги олти метргача бўлган металл қисмларни қайта ишлаш мумкин.

Бугун

Қудратли станок ишга туширилди. У ишлаб чиқаришни бир мунча ошириш имкониятини беради.

ЯНГИ ТЎГАРАКЛАР

Бугун

Рисовая даҳасида яшовчи хотин-қизлар ва болалар учун 6-тўрар-жой эксплуатация конторасн бичиш-тикиш ҳамда «Моҳир қўллар» тўгаракларини ташкил этди.

Бу тўгарақларга бичиш-тикиш санъатини мукаммал эгаллаш мақсади бўлган хотин-қизлар жалб этилади. Тўгарак машғулотлари яқинда бошланади.

НОРВЕГИЯ САФАРИ ТАРАДДУДИ

Тўқимачилар маданият саройининг ҳаваскор раққосаси Дилора Раҳматуллаева ва дояларчи Зуҳриддин Муҳиддинов шу кунларда чет эл сафарига тараддуд кўришмоқда.

Тошкентлик ҳаваскорлар В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига бағишлаб, ВЦСПС ташкил қилган концерт бригадаси Норвегияга боришади.

Концерт бригадасига Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан ҳаваскорлар киритилган.

Раққоса Д. Раҳматуллаева ўзининг «Гулсара», «Бухороча», «Хоразмча» рақсларини намойиш қилади.

◆ ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЁШЛАР УЧУН

Бугун

шаҳар маданият уйи қошида баян, аккордеон ва фортепиано тўгараклари биринчи машғулотини бошлади. Ёшларнинг бу қизиқарли тўгарақларига ўндан ортиқ ҳаваскорлар аъзо бўлдилар. Уларга малакали музика ўқитувчилари санъат сирларини ўргатишади.

13-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИ

Бугун

Чилонзор массиви аҳолиси учун яна бир транспорт қулайлиги яратилди. Массивни шаҳар маршрути билан боғловчи янги троллейбус маршрути ишга туширилди.

Бу Волгоград кўчаси — Революция хиёбони 13-маршрутида 10 дан ортиқ троллейбус қатнамоқда.

ҚАРДОШЛАР СОВҒАЛАРИ

◆ Жаҳон—Тошкентга

Деярли ҳар куни шаҳар товар станциясига турли хил юклар ортилган вагонлар состави кетма-кет келиб туради. Бу вагонларда социалистик мамлакатларнинг Ўзбекистон меҳнаткашларига юборилаётган ҳадялари ҳам келтирилади.

Бугун

Чехословакиядан пойафзаллар, Корея Халқ Демократик Республикасидан кийим-кечак ва бўяш асбоблари, Германия Демократик Республикасидан кир ювиш порошоги, газламалар, ўйинчоқ ва трикотаж буюмлари, Болгариядан кийим-кечак ва Югославия Федератив Республикасидан эса пойафзал келтирилади.

Қардошларимизнинг бу совғалари яқин кунларда республика савдо ташкилотларига чиқарилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КЎРГАЗМАСИ УЧУН

Бугун

Шаҳар товар станциясига Чехословакиянинг Прага ва Брно шаҳарларидан учта вагон келди. Уларга рентген ва стерлизатор аппаратлари, шунингдек, бошқа медицина жиҳозлари ортилган.

Бу экспонатлар шу йилнинг октябрь ойида республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очиладиган Чехословакия медицина техникаси ва лабораториясн асбоблари кўргазмасига қўйилади.

Аҳолига қулайлик

МАШИНАСОЗЛАР ПОЛИКЛИНИКАСИ

Ново-Московская кўчасида яна бир ҳашаматли бино қад кўтарди. 60 оила яшайдиган бу уйни 9-қурилиш трестининг 55-бошқармаси бинокорлари қўлдан чиқардилар.

Бугун

янги бинода ҳавозалар йиғиштириб олиндн. Бинонинг биринчи қавати «Ўзбексельмаш» заводи учун поликлиникага мўлжалланган.

Ҳа демай, поликлиника хоналарида шифокорлар иш бошлайдилар.

Тонгги газеталарда

◆ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 15 сентябрда Польша Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси ўртоқ Я. Птасиньскийни унинг илтимосига кўра қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

◆ Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи делегацияси 16 сентябрда Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегацияга Хасково округ партия комитетининг иккинчи секретари Д. Атанасов бошчилик қилмоқда. Тошкент аэропортида меҳмонларни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов ва бошқалар кутиб олишди.

Хасково округининг вакиллари Ўзбекистонда ўн кун бўлишади. Улар Тошкент областининг саноат корхоналари ва колхозларида оммавий-сиёсий ишнинг қандай қўйилганлигини ўрганадилар.

◆ ЯНГИ ФИЛЬМЛАР

«Ўтган кунлар»

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли» дейдилар. Шунга кўра мавзуни мозийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиладим».

«Ўтган кунлар» фильми забардаст адиб Абдулла Қодирийнинг ушбу сўзлари билан бошланади.

...Шаҳар чети. Қоп-қоронғи, нур тушмас бўзахона. Отабек хонтахта олдида ўтириб, чуқур хаёлга чўмган. Машшоқ мунгли куйни ижро этмоқда. Соз торларидан чиқаётган ҳазин куйни юрак-багри эзилиб эшитар экан, қалбида ўчмас из қолдирган бахтли кунларини эслайди.

Фильмда Отабек ва Кумушнинг бахтсиз тақдири жонли павзаларда тапқин этилади. Абдулла Қодирий томонидан тасвир этилган XIX аср воқеалари ўртасидаги зиддиятлар, жамиятдаги илғор ва реакцион кучлар орасидаги кураш воқеаларини экранда асарни зўр ҳаяжон билан ўқиганимиздек кузатиб борамиз.

Реакцион тузумнинг зиддият ва курашини, ўт кирлигини ва фожиали оқибатларини кўрсатиш билан XIX асрда ўзбек халқи ҳаётида ҳукмрон бўлган социал тартиблар ва аҳлоқий ақидаларнинг адолатсизлиги, шу даврнинг Фарҳод ва Ширини — Отабек ва Кумушлари қисмати орқали очиб ташланади.

Отабек ва унинг маҳбубаси Кумушнинг муҳаббат тўла шодон ҳаётининг чил-парчин бўлиши шу замон илғор кишиларининг фожиасидир.

Сценарий муаллифи Собир Муҳамедов ва режиссёр Йўлдош Аъзамов бир аср муқаддам бўлиб ўтган воқеаларни акс эттиришдек улкан ишга қўл урганлар. Санъаткорлар китоб руҳини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар.



СУРАТДА: фильмдан кадр.

Уй муборак

ГЕОЛОГЛАР УЙИ

Геологларнинг оилалари истиқомат қиладиган янги уй тайёр бўлди.

Бугун

6-қурилиш трестининг 33-бошқармаси коллективи объектни қўлдан чиқарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Чилонзор массивининг Д-18 кварталида 70-болалар боғчасини қуришда сўнгги жиҳозлаш ишлари тугади. 153-қурилиш трестининг 34-бошқармаси бунёд қилган бу боғча 280 болага мўлжалланган. Эрта-индин бу муҳташам бино болаларни ўз кўчоғига олади.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР КЎРИГИ

Бугун

Республика қўғирчоқ театри саҳнаси андижонлик санъаткорларга бериб қўйилди. Улар ўзбек достони асосида яратилган «Алпомиш» спектаклини намойиш қилдилар.

Қўғирчоқ спектаклини томошабинлар ва санъаткорлар қизғин кутиб олишди.

Бу ерда очилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қўғирчоқ театрлари фестивали давом этмоқда.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти, фестиваль ташкилот комитетининг раиси Олим Хўжаев табриклади ва фестиваль ишига муваффақият тилади.

Қўғирчоқ спектакллари кўригига Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарларидан меҳмонлар келишган.

Чет эллардан

Бельгия жамоатчилиги ташвишланмоқда


БРЮССЕЛЬ, 15 сентябрь. (ТАСС). АҚШнинг Европада уруш ҳаракатларни бошланган чоқда ядро, химия ва бактериология қуролидан фойдаланиш тўғрисидаги махфий планларининг матбуотда эълон қилиниши Бельгияда катта ташвиш туғдирди. Кўп газеталар ана шу мудҳиш ҳужжатларнинг мазмунини батафсил фош қилувчи мақолаларни босиб чиқардилар.

Бельгия парламентининг парламентда ана шу қурол турларини Бельгия территориясида жойлаштириш эҳтимоли борлиги ҳақида ҳукуматга савол берган бир қанча аъзолари мамлакат жамоатчилигининг ташвишланаётганлигини изҳор қилдилар.

МИННАТДОРМИЗ

ЛИМА. Президент Николос де Пиерола проспекти шаҳарнинг қоқ ўртасидан ўтади. Яқинда бу кўчадаги 179-уйнинг деворига: «Перу—Совет маданий алоқалар ассоциацияси» деб ёзилган бронза тахтача илиб қўйилди. Бу ерда СССРнинг Перудаги биринчи элчиси Ю. В. Лебедевни юздаб кишилар гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди. У совет элчихонасининг барча аъзолари хамроҳлигида Перу — Совет маданий алоқалари ассоциацияси биносининг очилиш маросимида қатнашди.

Таниқли Перу ёзувчиси ва шоири Хуан Рнос тантанали мажлисда сўзга чиқиб, кўпчиликнинг фикрини шундай ифодалади: «Ер юзи кўп жиҳатдан Ленин Ватанидан минатдор эканлигини биз ҳаммамиз яхши биламиз. Кеча у Европани нацистларнинг машъум ваҳшийлигидан халос этди. Бугун эса Куба революциясига ўз озодлигини ҳимоя қилиш учун ёрдам кўрсатяпти, Вьетнам халқининг қаҳрамонона жасоратига ўз ҳиссасини қўшмоқда. 1917 йилдан бошлаб инсоният тарихида компас кўрсаткичи ўз гарди. Чунки Совет Иттифоқи туғилиши билан инсон Ер планетасини кашф этди».



Болгария Халқ Республикаси.

СУРАТДА: Дмитровграддаги химия комбинатининг азот кислотаси ишлаб чиқарувчи мосламаси. (Централфото — ТАСС.)

ТОШКЕНТ — ЛОЙИҲА...



Ленин районы

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА...

ЛЕНИН районы... Унинг шаҳримиз ҳаётида қанчалик катта ўрин эгаллашини тасвирлаш қийин. Бу кенг ривожланган индустрия районининг корхоналари ўз маҳсулотини жаҳоннинг 50 мамлакатига юборади. Кўтарма кранлар ва дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва электр ускуналар, қурилиш материаллари ва кийим-кечаклар ишлаб чиқади. Электрон техника заводининг коллективи ўз меҳнати учун Ленин ордени билан, Қўйлиқ ремонт механика заводи эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Ленин районы — шаҳар дарвозаси. Унинг территориясида аэропорт ва темир йўл вокзали жойлашган. Тошкентга келган меҳмонлар худди шу ердан меҳмондўст ўзбек диёрига биринчи қадам қўядилар. Биз шу ердан сафарга чиқиб, шу ердан жонажон шаҳримизга қайтиб келамиз.

Ленин район — боғ ва хиёбонлар, клуб ва мактаблар демакдир. Шунинг учун ҳам унинг қурилиши ва ободончилигига катта эътибор берилмоқда.

Зилзила бизга кўпгина зиён келтирди. 834 бино ва иншоот шикастланиб, ўн мингдан ортиқ оила бошпанасиз қолган эди. Аммо фақат орадан уч йил ўтиши билан район кўчалари, «Билим уйи», Модалар уйи сингари камёб бинолар билан безанди. Аэропортдан кўприк йўл солинди. Шикастланган кўчалар ўрнида кўп қаватли уйлар билан янги микрорайонлар барпо этилди: Украина фарзандлари бизга 100 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой кварталларини абадий дўстлик ёдгорлиги қилиб қолдирдилар.

Фақатгина шу микрорайонда ўн мингга яқин киши уй тўйлари ўтказди. Районда беш янги мактаб, саккиз болалар боғчаси, бир нечта магазин, 120 ўринли туғруқхона, касалхонанинг янги корпуси ишга туширилди.

Кўп ўтмай «Қизил тонг» фирмаси, химия-фармацевтика заводи, «Подъемник» заводи, 3-автокомбинатнинг янги бинолари қурилади.

Ҳозирги бир қаватли уйлар турган Кафанов кўчасининг истиқболи порлоқ. 1970-1971 йилларда бу ерда тўққиз қаватли уй-жой корпуслари, гастроном, болалар боғчаси қад кўтаради. Тарас Шевченко кўчасининг қиёфаси бекиёс даражада ўзгаради.

Сўнгги ўн йил мобайнида бизга бир нечта янги микрорайонлар барпо этилди. Қўйлиқ, Рисовая, Болгар дарасида янги уйлар қурилди. Бизнинг чекка жойларимиз энг гўзал ва обод жойлардан бирига айланмоқда. Эндиликда у ерларни чекка жой деб бўлмайди. Янги микрорайонлар транспорт тармоқлари билан бирлаштирилади. Кенг изли трамвай линияси 1970 йилнинг биринчи кварталида «Роҳат» кўлигача етказилади.

Буларнинг ҳаммаси халқнинг меҳнати самарасидир.

Л. ТИХОНОВА,
Ленин районы ижроия комитетининг раиси.

ЖАНГЧИНИНГ ЁРҚИН ХОТИРАСИ


Улуғ Ватан урушининг оғир дамларида Ленин районидаги минглаб комсомоллар қўлда қурол билан муқаддас Ватан тупроғини душмандан ҳимоя қилиш учун фронтга жўнаб кетдилар. Уларнинг кўпчилиги қайтиб келмади. Лекин жангда қурбон бўлганларнинг хотираси кишилар қалбида абадий сақланади. Район комсомоллари улар шарафига ҳайкал ўрнатишга қарор қилишди. Улар бу хусусда Тошкент театр санъати институтининг ҳайкалтарошлик — монументалист студентлари билан маслаҳатлашишди. Улар бу ғояни қизғин қўллаб-қувватлашди.


...Изланишлар, мулоҳазалар билан ярим йилча вақт ўтиб кетди. Юзлаб эскизлар ва макетлар тайёрланди. Ниҳоят жюри қарор қабул қилди. Монументаль ҳайкалтарошлик бўлими студентлари Толибжон Косимов ва Николай Поповларнинг иши комиссия томонидан аъло баҳоланди. Уларнинг ижодий фикрида жангчиларнинг мардлиги, ватанпарварлиги, уларнинг ер юзида бахт ва тинчлик учун ўз ҳаётларини қурбон қилишга тайёрликлари яхши ифодаланган.

Ансамблнинг марказида хавф томон дадил борган жасур жангчи-комсомолни и г образи умумлаштирилган. У қўлида ҳилпираб турган Қизил байроқни баланд кўтариб турибди. Бу ёвузлик устидан ғалаба рамзидир.

Жангчининг улуғвор гавдаси орқасида ярим ёй шаклида гранит тахтачалар қўйилган бўлиб, уларда уруш эпизодлари, ундаги қаҳрамонликлар ва фожиа ифодаланган. Гранит тахтачалар устига жангда қурбон бўлганларнинг номлари ёзилади. Гранит жангчи атрофига экилган чинорлар халқ ҳақиқати, кучи ва қудратининг тантанаси сифатида барг ёзади. Ўзбекларнинг қадимий ва муқаддас одати бўйича шаҳид бўлган кишиларнинг жасади қимматбаҳо гилам билан ёпилади. Ҳайкал этаги ҳам ўзига хос гилам — гул экилган плиткалар билан қопланади. Ундан парида эса атиргул гулзорлари барпо қилинади.

В. ХАБИБУЛЛАЕВА.
Т. Қосимов ишлаган расми.





Оқ қоғоз бетига туширилган тўғри уч бурчак, квадрат кўчаларни ифода этувчи кесишган чизиқлардан шу касбнинг эгаси бўлмаган киши бирон парсани билиб олиши машаққат бўлади. Архитектор Надя Сероченко эса, бу чизмаларда бўлажак кварталлар, ва биноларни яққол кўриб турибди.

РАЙОННИНГ ЮРАГИ

Архитекторларнинг сумкаларида янги лойиҳалар. Яқин йилларда вокзал майдони қурилиши ниҳоясига етказилади. Кейин вокзалга яқин бўлган кўча ва кварталлар реконструкция қилинади. Бу ерда яқин келажакда Ленин районининг маъмурий ва жамоат марказн барпо этилади.

Район партия комитетининг биноси яқинида Полторацкий кўчасида район ижроия комитетининг биноси қад кўтаради. Қулай, кўп қаватли уйда район ижроия комитети бўлимлари ва депутат комиссияларининг хоналари жойлашади.

Ўрта Осиё темир йўл Тошкент бўлими ҳам янги маъмурий бино билан таъминланади. Бу бино ҳавони совутиш установкалари билан бўлади. Шу бинода Ўрта Осиё темир йўлининг ҳозир темир йўлчилар маданият саройида жойлашган техника уйи жойлашади. Маданият саройининг ўзи ҳам тубдан реконструкция қилинади.

У ерда кино-театр комплекси қурилиши мўлжалланмоқда. 700 кишини ўз бағрига жойлаштирадиган залда профессионал ва ҳаваскорлик театрлари коллективларининг спектакллари намойиш қилинади. Шунингдек, кенг форматли фильмлар кўрсатилади. Саройга қўшимча лекция ва тўгарак ишлари учун хоналар қурилади.

Тарас Шевченко кўчасидаги маиший хизмат уйи 2-микрорайон қурилишини бошлаб беради. Бу кўчада химия-фармацевтика заводи ва «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий корпуслари жойлашади.

Вокзал олди майдони ҳам реконструкция қилинади. Лойиҳачилар у ерда бинолар билан бирга Тошкент автостанциясининг шимолий ва жанубий қисмида ер ости йўлларни қуриб, транспорт юришини тезлаштиришни ҳам кўзда тутганлар.

Транспорт майдонга Титов ва Пролетар кўчаларида қурилаётган магистраллар орқали чиқади. Тарас Шевченко кўчаси эса пиёдалар ихтиёрига берилади. Вокзалдан эни 80 метрли хиёбон бошланади. Бу ўзига хос вестибюлдан меҳмонлар Тошкент билан танишишни бошлайдилар.

Ҳиёбон атрофида магазинлар маиший хизмат кўрсатиш муассасалари бинолари, қишки ва ёзги кафе-вахоналар жойлашади.

Бу ерда мен айтган нарсалар фақатгина хаёл ёки лойиҳа эмас. Лойиҳачиларнинг режаларн ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда.

В. РУСИНОВ,
«Тошгипротранс» бўлимининг бош архитектори.

ВОКЗАЛОЛДИ МАЙДОНИ

«Тошгипротранс» институти директорининг кабинетида катта, оппоқ макет кўзга ташланади. Бу вокзал майдонини қурилиши комплексининг тасвиридир.


Муаллифлар бош архитектор В. Русанов ва бош инженер К. Коннинг фикрича, вокзал олди майдони шаҳарнинг ўзига хос дарвозаси ва унинг паспорти бўлиши керак.


Суратларга бир назар ташланг: чапдан шаҳар вокзали. Бу ерда пассажирларнинг дам олиш хоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш хоналари жойлашади. Келажакда вокзалдан тўппа-тўғри метро станциясига чиқиш мумкин.

Ўнг томонда Тошкент темир йўл бўлимининг баланд биноси жойлашади.

Майдонда вокзал марказий ўрин эгаллайди. Ҳозир унга йўловчилар учун аталган комплекс қўшилмоқда. У ерда операция зали, справкалар бюроси, касса зали, ёзги ва қишки ресторан, оналар ва болалар хонаси, дам олиш хонаси, фонтан ва ички майдон жойлашади. Вокзал қошида автоматлаштирилган сақлаш камераси қурилади. Йўловчиларга поездлар ҳаракати ва бўш ўринларни маълум қилиш учун автоматик установка ўрнатилади. Вокзал олди майдонида механизациялашган хатларни ажратиш почтамти қурилади. У ҳозирги замон юк ортиш ва тушириш техникаси восталари билан жиҳозланади. Йўловчилар савдо расталаридан ўзларига керакли маҳсулотлар ва буюмларни харид қилишлари мумкин.

СУРАТДА: вокзал олди майдонининг макети.





Шаҳримизда яна бир гўзал бино қад кўтаради. Бу Ленин район ижроия комитетининг янги биносидир. Кўп қаватли бу маъмурий бино ҳозирги замон архитектурасининг ҳамма талабларига жавоб беради.

Ленин район ижроия комитетининг кўп қаватли биноси район марказини янада гўзаллаштириб юборади. Шундай замонавий бинолар яқин йиллар ичида кўплаб қад кўтаради. Уларнинг лойиҳаси устида Ўзбекистон пойтахтидаги кўплаб лойиҳа институтларининг архитектор ва инженерлари бош қотирмоқдалар.

Л. Глауберзон фотолари.

Ойнаванд сарой

Бу ажойиб бинонинг деворлари ойнадан тикланади. Ҳозир янги бино учун Ленинграддаги корхоналардан бирида ойна, темир-бетон панеллар тайёрланмоқда.

Санъат музейи уч қаватли олти қиррали мармар колонналардан тикланади. Тошкент экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-текшириш институтининг архитекторлари ва инженерлари унинг лойиҳасини шундай тузадилар.

Музейнинг пастки қаватида кийим ечиш хонаси, буфет, фотолаборатория, реставрация устахоналари жойлашади. Вестибюлнинг чап томонида винтсимон пиллапоялар экскурсиячи ларни намойиш залига олиб чиқади. Лекция зали бироз оғиб, аста-секин ер ости хонаси билан тенглашади. Ертўлаларда тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари сақланади. У ердан экспонатларни экспозиция залларига лифт орқали олиб чиқилади.

Бино шундай планлаштирилганки, унинг ўртасида ўсти ёпиқ квадрат шаклидаги майдон барпо этилади. У ерда ҳовуз, фонтан, гулзорлар кишиларнинг дидига мослаштирилади.

Бу бинони «Главташкентстрой»га қарашли 6-трестнинг 33-қурилиш бошқармаси коллективи қурмоқда. Ҳозир биринчи қават синчлари тўла тикланди. Музей қурилишида бетончилар, дурадгорлар, монтажчилар яхши қизитиб юбордилар.

НУР ОҚИМИ

Шевченко номли кўчада кўп қаватли бино — мамлакатимизда машҳур Тошкент химия-фармацевтика заводининг ишлаб чиқариш корпуси қад кўтаради. Бино ҳозир қурилаяпти. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ корпусда дорилармон тайёрловчилар унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма қулайликлар бўлишини сезиш мумкин: катта-катта ойналаридан нур оқими кириб турадиган кенг хоналар, маиший комплекс, дам олиш хоналари бор. Бинода улкан вентиляция ва ҳавони муътадиллаштириб турувчи аппаратлар ишлаб туради.

Янги цехлар такомиллашган химия асбоб-ускуналари — реакторлар, кристаллизаторлар, ҳар хил филтрлар, сушилкалар ва хом ашёни майдалаб берувчи аппаратлар билан жиҳозланади.

Химия-фармацевтика заводи ишчилари мақсус ихтисослаштирилган бинога эга бўлишгач, тажриба ишларини кенгайтириш, бундан ташқари инсон саломатлиги учун қурашда ғоят зарур бўлган дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконига эга бўладилар.

СУРАТДА: химия-фармацевтика заводининг янги қурилаётган корпуси.

Ю. Бутусов фотоси.



Янги уй-жой массивлари

Биз Константин Мешчеряков билан «Узгипротяжпром» институтида учрашдик. Лойиҳанинг бош архитектори Ленин районидаги «2-Микрорайон»нинг янги уй-жой массивн тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

ҒАРБИ-ШИМОЛДА янги дан қурилган Лоҳутий, шарқи-шимолда Тарас Шевченко, шарқи-жанубда Вокзал олди ва ғарби-жанубда Титов номли кўчалар ўртасида жойлашади. У Полторацкий кўчаси билан икки участкага бўлинади. Ўзбекистон пойтахтининг жойлашиш хусусиятини ҳисобга олиб, уни ҳозирги замон типидаги тўрт-тўққиз қаватли уйлардан қуриш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳам қурилади. Тошкентликлар учун 7 минг аҳолига мўлжалланган 63 минг квадрат метр уй-жой қурилади. Лойиҳа авторлари бу районни пойтахтнинг «дурдона»сига айлантиришни кўзда тут ганлар. Баланд уйлар нинг биринчи, қаватларида мебель ва озиқ-овқат магазинлари, меди ц и н а жойлашади. Уйлар ўртасида икки қаватли умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш уйи, ҳаҳвахона ва пазандалик магазинлари билан ошхона жойлашади. Пардозлаш материаллари, кераника, мозаика плиталари, мармар, гранит, ойна, алюмин ва турли пластикалардан фойдаланилади.

Ўртоқ К. Мешчеряков ўз суҳбатини давом эттирар экан, сўзга «Ташгипрогор» 3-устахонаси архитектори Л. И. Мамаева қўшилди:

— Собиқ Кафанов кўчаси ўрнида қурилади ган 119 метрли Титов номли кўчанинг қаршисида 70 минг аҳолига мўлжалланган 210 гектарли Ново-Полторацкий уй-жой барпо этилади. Ново-Полторацкий кўчаси ўзига тўртта — «Госпиталь», Гордеев, Миробот, 1-Май микрорайонларини бирлаштирган композицион ўққа ўхшайди. Лойиҳа авторлари уй-жой районида мактаб, болалар муассасалари савдо маркази, раста маиший хизмат кўрсатиш комбинати, 500 ўринли меҳмонхона ва ресторан, ёзги ва қишки кинотеатр ҳамда бассейн қуришни кўзда тутганлар.

В. ГОНЧАРОВ.

ҚАҲВАХОНА, ОШХОНА, МАГАЗИН...

Аҳолининг тобора ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун маҳаллий ташкилотлар савдо, умумий овқатланиш, коммунал ва маиший хизмат кўрсатишни бундан кейин ҳам яхшилаш ва ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар.

Ҳозир районда 100 дан ортиқ маиший хизмат объектлари бўлиб, у ерда 1500 дан ортиқ киши хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда бу ерда маиший хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш йўлида анча иш қилинди. Майда пунктлар йўқотилиб, унинг ўрнида механизациялашган ҳар хил хизмат кўрсатадиган йирик устахоналар барпо этилди. Кўпгина савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилди. Болгар дарасида ўз-ўзига хизмат қилиш ва ярим тайёр маҳсулотлар магазинлари, Лоҳутий кўчасидаги ёшлар қаҳвахонаси, Киров кўчасидаги чалпаккхона, ГҲФ шаҳарчасидаги лагмонхона аҳолига хизмат қилмоқда. Янги Марказ — 7 микрорайонида тез орада ярим тайёр маҳсулотлар, озиқ-овқат. нон-булка магазинлари, «Союзпечать» ва «Академкнига» магазинлари аҳолига хизмат қилади.

Тарас Шевченко кўчаси бир нечта йилдан кейин савдо растасига айланади. Бу ерда уй-жой комплекслари билан бирга музика асбоблари ва ноталар, китоб, фотография, эрлар ва хотин-қизлар кийим-кечаклари, ярим тайёр маҳсулотлар, керамика ва биллур буюмлар билан савдо қиладиган магазинлар қурилади.

Бозор., Шаҳарликлар ҳаётида катта роль ўйнайди. Бу йил Госпитал бозорини реконструкция қилиш учун 58 минг сўм сарфланади. Бу ерда янги павильонлар, дўконлар, омборлар барпо этилади.

Қўйлиқ бозорини реконструкция қилиш учун 119 минг сўм ажратилган. У ерда гўшт, сут корпуси, парранда сотиш корпуси ниҳоясига етказилмоқда.


Яқин йилларда қурилаётган микрорайонларда бозорлар филиалини қуриш мўлжалланмоқда.

Кўчаларни ёритиш ҳам унут и л г а н и й ў қ. Такомиллашган электр шамлар ва лампочкалар қўйилади. Ҳозир район кўчаларида 470 та янги электр шам ўрнатилган.

Бунинг ҳаммасига қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, район меҳнаткашлари ободончилик ишларида актив қатнашмоқда.

Улар якшанбаликлар ташкил қилиб, кўчаларга ва ҳовлиларга дарахт кўчатларн ўтказишади, муассасаларнинг ҳовлилари ва майдонларини тартибга келтиришади.

ҚУРИЛИШ, ИСТИҚБОЛ



Раҳмат, Украина!

Қ ЎНҒИРОҚ овози синфлар, заллар, коридорларда жаранглади. Ўқувчилар ажойиб, Украина қурувчиларн томонидан қурилган гўзал мактабга биринчи қадам қўйдилар. Бу ерда ҳамма нарса: доска, парта ва столлар ҳам, усти ёпиқ ҳовлилар ва ўйин майдонлари ҳам гўзал. Безакларда ҳар хил суратлар тушурилган бўлиб, болалар киевлик қурувчилар, улар учун қанчалик ғайрат қилганликларини аниқ ҳис этадилар.

Мактаб комплекси 12 корпусни ўз ичига олган, беш гектар майдонни эгаллаган. 8 корпусда ўқув машғулотлари ўтказилади. Ҳар бир корпусда ўтадан синф хонаси бор. Бу ерда кутубхона, лаборатория, устахона, ошхона, 500 ўринли маҳлислар зали барпо этилган.

Спорт комплексида эса 25 метрли чўмилиш ҳавзаси, ҳар хил ўйинларга мўлжалланган зал ва стадион жойлашган. Барча хоналарда мўътадил ҳаво алмашади. Мактабда 2600 киши таълим олади. Ҳар бир корпуснинг ўз блоки, ўз территорияси бўлганлиги учун ҳамма ўзини эркин ҳис қилади. Мактаб қурилишида Украинанинг кўпгина бинокорлари иштирок этишди. Жумладан, Украинада хизмат кўрсатган санъат арбоби В. С. Куткин ўз ёрдамчилари билан буюк қўбузчи Тарас Шевченкога бағишланган ажойиб панно яратди.



СУРАТЛАРДА: 1. керамика билан безатилган спорт залининг олд қисми. 2. Чапдан ўнгга: — монтажчи-электр пайвандчилар Валентин Слесарчюк, Виктор Архипов ва Василий Мороз ўртоқлар.

АДРЕС: ҚЎЙЛИҚ

Ўлдан қайрилиш билан кўз олдида эртакларлардагидай оппоқ шаҳар намоён бўлади. У ерда ҳозирча бинокор ҳукмрон: уйларнинг эшик ва деразалари ёпиқ, кўчаларда кишилар кўринмайди. Фақат машиналаргина кўкка қўл чўзган минорали кранлар ёнида гизиллаб юрибди. Бу ерда Қўйлиқ — 1 янги микрорайони барпо этилмоқда.

Янги массив қандай бўлиши тўғрисида «Узгипропроект» институти мутахассислари томонидан ишланган бош планда батафсил ҳикоя қилинади.

...Қурилиш территорияси 55 бинони ўз шаҳарчага ўхшайди. ичига олган ажойиб Бу ерда уй-жой бино-



ларидан ташқари кўп ўринли иккита болалар комбинати, минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, сузиш ҳавзаси ва ажойиб стадион қурилади.

Жамоат маркази ҳам аҳоли ихтиёрига топширилади. Ҳозирча у ерда электр пайвандларидан чиққан учқунлар сачрамоқда. Машиналар панел кол тирмоқда. Кранчи Владимир Лебед машинадан панелни аста кўтариб тўртинчи қаватга узатиб бермоқда. Бу ерда фақат ярим кечадагина иш тинади.

М. ИВАНОВА.

Ажойиботлар мамлакати

Дарвоза ёнида кичкинтойларни тиззаси эгилган Гулливер кутиб олади. У кичкина болалар ва уларнинг мамлакатига зўр қизиқиш билан боқади. Кейин болалар севган эртакларнинг қаҳрамонлари Ивэнушка, Аленушка, Жодугар кампир ва товуқ оёғи устига қурилган уйлар қаторлашиб кетади..

Ажойиб панно, павильонлар, қувноқ аттракционлар темир йўлчилар боғининг болалар шаҳарчасида барча ёшдаги болаларнинг эътиборини ўзига тортади. Беланчаклар, от ўйинлари, спорт анжомлари, кўпгина ўйинчоқларнинг ҳаммаси болалар учун берилади. Темир йўлчилар саройини реконструкция қилиш лойиҳаси устида ишлаган архитекторлар энг кенжатойларни ҳам унутишгани йўқ. Улар учун кўпгина янгиликлар барпо этилади. Кейинчалик болалар шаҳарчаси янги аттракцион ўйин майдонлари билан тўлдирилади.

Шаҳарнинг ҳаво дарвозаси

Тошкент аэропорти ҳар куни бир неча минг пассажирни кутиб олади ва кузатиб қўяди. Ўзбекистон пойтахтига ўнлаб ҳаво йўлларн туташгандир. Шундай бўлгач, шубҳасизки, мавжуд аэровокзал ҳозирги кун талабларига жавоб беролмайди.

Тошкент аэровокзалини лойиҳалаш Давлат лойиҳа-қидирув ва «Аэропроект» граждан авиацияси илмий-текшириш институтига топширилганди.

...Олдимизда бўлажак аэровокзалнинг макети турибди: енгил колоннали, чиройли орнаментлар билан безатилган уч қаватли бино, яшил хиёбонлар ва гулзорлар орасига жойлашган..

Аэровокзалда йўловчиларга яхши хизмат кўрсатиш учун ҳамма шароит яратилган. Ватанимиздаги ва чет эллардаги аэровокзаллар тажрибасидан меҳнат технологиясининг энг илғор методлари ўрганилган. Бино шундай қурилдики, унда йўловчилар ҳаракати кесишмайди.


Учадиган кишилар транспорт эстакадада вокзалнинг иккинчи қаватига чиқарилади. Бу ердан улар операцион залга ўтадилар ва билетларни расмийлаштирадилар, юкларини топширадилар, кейин эса махсус тушириш галереялари ва телескопик трап бўйлаб самолёт салонига ўтадилар.

Тошкентга келган пассажирларни эскалаторлар катта залга олиб келиб қўяди. Бу ердан улар юкларини оладилар. Бинонинг шундай ёнгинасида такси, автобус ва троллейбуслар турадиган жой қурилади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 300-350 машина пассажирларни кутиб туриши мумкин.

Вокзал биносида қаҳваҳона, буфет, катта ресторан бўлади.

Янги аэровокзал лойиҳаси устида москвалик архитекторлар В. Ермолаев, Л. Иванов, Р. Чернишев, инженерлар Р. Остапюк, Е. Славскийлар ишладилар.

СУРАТДА: янги аэровокзал макети.



МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ

ЛЕНИН район партия комитетининг рўпарасидаги бир қаватли эски уйлар ўзининг сўнгги кунларини бошдан кечирмоқда. Бу ерда республика пойтахтидагина эмас, балки Ўрта Осиёдаги энг катта маиший хизмат уйи — лойиҳачилар «Ўзбекистон» деб атаган бино қад кўтарадиган кун узоқ эмас.

Бу бепинат хизмат уйининг қандай бўлиши тўғрисида қурилиш майдонидан ҳам билиб олиш мумкин: янги бино Транспорт, Шевченко, Полторацкий кўчалари ва 2-Полторацкий тупигининг ўртасига жойлашади. Бўйи 100 метр, эни 500 метрдан иборат бўлган бу бино шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшади. Бино икки қисмдан иборат бўлиб, Шевченко кўчаси томонидан олти қават кўтарилиб, унга бир қаватли бошқа бино қўшилади.

Баланд корпуснинг пастки қисмида ва бир қаватли бўлмасида маъмурий хоналар, кўпгина буюртма қабул қилиш хоналари, шунингдек, модалар ателъеси, овоз ёзиш студияси, сартарошхона салонлари, тез муддатли химиявий тозалаш, фото салон, пойафзал, кийим-кечакларни ремонт қилиш устахонаси жойлашади. Юқориги қаватларда ишлаб чиқариш устахоналари жойлашиб, ҳозирги замон технологик ускуналари билан жиҳозланади.

«Ўзбекистон» маиший хизмат уйи 50 хилдан ортиқ турли ишларни бажаради. Жумладан, кўпгина янгиликлар бор. Масалан, ўз-ўзига хизмат қилиш йўли билан химиявий тозалашда кийим-кечакни мойдан тозалайдиган автоматга ташланади.

Кўйлакларни «экспресс» йўли билан тозалаш ҳам кўл келади. Бир соат мобайнида кўйлак ювилиб, дазмолланган ҳолда мижозга топширилади.

Янги маиший хизмат уйида хотин-қизлар учун ҳозирги замон кир ювиш машиналари билан жиҳозланган ўз-ўзига хизмат қилиш, кир ювиш хонаси, трикотаж буюмларни ремонт қилиш ва тўқиш ателъеси, хотин-қизлар сартарошхонаси, косметика кабинети хизмат кўрсатади.

Бу универсал корхонада бош кийимлари, сумка, камар, тугмачаларни буюриш ва ремонт қилиш мумкин. Фото, киноаппаратура, радио приёмник ва телевизорлар, соат ва авторучкалар, балалайка ёки доира ремонт қилинади, синган чинни ва биллур ндшлар чегаланади. Истаган киши чақалоққа вақтинча қараб турадиган энага топа олади. Пол ювиб, пианинони ремонт қиладиганлар, тантаналарда хизмат қиладиган официантлар ҳам шу ердан топилади. Намойиш залида кийим-кечак ва пойафзалнинг энг сўнгги модалари билан таништирилади.

Мижозлар ва хизмат кўрсатувчилар учун барча қулайликлар яратилади. Чиройли бинолар, сунъий иқлим, лифт, яшил ҳовли — ҳаммаси улар хизматида.

Маиший хизмат уйи ёнида фонтан, гулзор барпо этилади. Автомобиллар тўхтайдиган майдон қурилади.

Улкан маиший хизмат биноси қурилиши бошланди. Бу уй лойиҳасини Москвадаги савдо бинолари қурилиш ЦНИИЭП лойиҳа институтининг коллективи тузган.

Ю. МАДАМИНОВ.

ДУГОНАЛАР

Икки дугона, икки ишчи— Анастасия Стафейчук ва Елена Емельянова қурувчиларнинг катта ва аҳил оиласи аъзолари эканликлари билан фахрланишади. Улар шаҳардаги кўпгина биноларни ўз қўллари билан пардоздан чиқаришган. Айни кунларда бўёқчилар Настя ва Лена 159-трестнинг 53-қурилиш бошқармаси қураётган чойхона-ошхонани пардозлашяпти.



ГУЛЛАР... ҲУЖУМИ

Ленин район аҳолисига «Согломлаштириш яшил солдатлари» армияси ҳужум қилмоқчи. 1 миллион туп гул, манзарали дарахтлар Тарас Шевченко кўчаси, Титов ҳиёбони ва Полтарацкий кўчасида саф тортади. Улар йўл бўйларини, йўлка, майдон ва хиёбонлар атрофини безайди.

Кўчалар бурчагида нилуфарлар қанот ёзади. Темир йўлчилар богидан, Тарас Шевченко кўчасидан бу гуллар районнинг бошқа уй-жой массивлари ва ҳавзаларига йўл олади.

СССРда ЯГОНА

Марказ—7 микрорайонида Украина бинокорлари мамлакатимизда ягона, ноёб иссиқлик ва совуқлик марказини барпо этдилар. У тепадан мутлақо кўринмайди. Ўн уч метр ер остида жойлашган. Унинг диаметри 20 метрдан иборатдир. Марказда сув қуйиладиган тўртта катта резервуар бўлиб, ҳар бирига 32-38 тоннадан сув сигади. Унинг ишлаш жуда оддий. Иссиқлик электростанциясидан чиққан қайноқ сув қувурлар орқали ҳовузга тушади. Ў ҳовуз иссиқлик ва совуқлик маркази билан ёнма-ён жойлашган. Ҳовузда сув дастлаб совутилади. Сўнгра иншоот остидаги резервуарлар орқали сув машинадан ўтади. Ў ерда кимёвий реакция орқали сув яна совутилади.

Қишда иссиқлик ва совуқлик маркази қайноқ сув таъёрлайди. Бу ердан микрорайондаги барча тўққиз қаватли уйларга, иккита болалар комбинати ва 2600 ўринли мактабга иссиқ сув берилади. Иссиқлик ва совуқлик марказининг лойиҳаси Киевдаги ЗНИИЭП лойиҳа институти коллективи томонидан таъёрланган.

Иссиқлик ва совуқлик марказини қуришда К. П. Лотарев, В. Пришчепа бошлиқ бетончилар, пайвандчи-монтажчилар, Г. Миюсская бошлиқ сувоқчилар бригадаси намунали ишладилар.

Прораб Михаил Яремийчук тўғрисида ҳам бир-икки оғиз гапириш лозим. У биринчи Украина бинокорлари билан Тошкентни тиклашга келган. Бошида дурадгор бўлиб ишлади. Институтнинг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Ниҳоят, шундай ноёб ва мураккаб инженерлик иншоотн қурилишига бошчилик қилди.

Украина микрорайонидаги иссиқлик ва совуқлик маркази тез орада ишга туширилади.

А. ДЕСЯТКО,
пайвандчи.

СЕН УЧУН, ҲАЗРАТИ ИНСОН...

Районни реконструкция қилишда фақат майдон ва кварталларни эмас, балки магистрал, соҳил ва ҳиёбонларга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Шу йилнинг биринчи ярмида 9600 квадрат метр йўлка ва йўллар ремонт қилинди. Киров, «Правда Востока», Полторацкий, Пролетар, кўчаларига асфальт ётқизилиб, 500 метр ирригация тармоқлари қурилди. 150 минг тупдан кўпроқ дарахт, ўсимлик, гул кўчатлари ўтқазилди.

Ленин районида кўпгина кенг магистраллар қурилади — Титов ва Шевченко кўчалари кенгайтирилади. Лохутий кўчасидан Куйбишев шоссесигача йўл қурилади.

Районнинг марказий йўли бўлмиш Куйбишев шоссеси яқин келажакда эни 45 метр кенгайтирилади. Бу кўчада машиналар қатновини яхшилайди. Шунингдек, «Роҳат» кўлигача борадиган янги трамвай линияси қуриш ҳам давом этмоқда.

Собиқ «Локомотив» стадиони ўрнида согломлаштириш зонаси барпо этилади. Кураш, енгил атлетика, гимнастика, залларини ўз ичига олган спорт комплекси, сузиш бассейни, ёпиқ теннис корти, шунингдек, городки, ўйнаш майдончалари барпо этилади.

А. БАБИЧ,
Ленин район ижроия комитети раисининг ўринбосари.



«УКРАИНА» КВАРТАЛИ ШАҲАР ҲУСНИГА ҲУСН ҚЎШМОҚДА. Л. Глауберзон фотолари.

Планетамиз янгиликлари

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Калькуттада ўтказилган катта гражданлик қабули маросимида гапириб, банклар национализация қилинганлиги «мамлакатнинг иқтисодий системасини социализация қилиш» йўлида қўйилган қадамларнинг бири бўлди, деди. Бундай қадамлар, деди Индира Ганди, ҳукмрон ҳинд миллий конгресси партияси зиммасига оммa билан алоқани мустаҳкамлаш вазифасини юклайди.

Сўнгра Индира Ганди айтдики, Ҳиндистонда ерсиз деҳқонлар ҳали ҳам кўп, мамлакат ўзининг беш йиллик планларини бажаришда чет эллларнинг ёрдамига муҳтож. Банкларни национализация қилишдан мақсад банклардан манфаатланаётган кишиларнинг контролидан уларни тортиб олишдир. Бироқ, биргина шу тадбирнинг ўзи мамлакатнинг барча иқтисодий проблемаларини ҳал қила олмайди.

Индира Ганди ҳинд халқини қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, диний жамоат тортишувлари ва бошқа сабаблар билан бўлаётган ички низоларни тугатишга, Ҳиндистоннинг хавфсизлигини ва бирлигини мустаҳкамлашга чақирди. (ТАСС).




Монголия Халқ Республикаси.
СУРАТДА: Улан-Батордаги мусиқа мактабида машғулот пайти.

КЕСКИНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЛОНДОН. ТАСС мухбири А. Дряхлов хабар беради: инглиз қўшинларининг янги қисмлари Шимолий Ирландияга келди. Энди мамлакатдаги инглиз қўшинларининг сони 7000 кишига етди.

Бироқ, Ольстернинг ҳукумат мансабдорлари ва Англиянинг оккупациячи кучлари Белфастдаги ва Лондонderридаги баррикадаларни олиб ташлашга ҳар қанча уринаётган бўлсалар ҳам, унинг уддасидан чиқа олмаётирлар. Шу шаҳарлардаги кўчаларнинг кўплари ҳануз бир неча қатор баррикадалар билан тўсилиб ётибди. Уларнинг ҳимоячилари ўз позицияларини ташлаб кетмоқчи эмаслар.

(ТАСС).



ВЕНГРИЯ. Сегед шаҳридаги черков.

БУЮК САНА ОЛДИДАН

БАЙРУТ. Ливаннинг прогрессив матбуоти Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган материаллар босиб чиқаришни давом эттирмоқда.

Ҳафталик «Ал-Аҳбор» газетаси Коминтернининг 1920 йилдаги II конгрессида аграр масалага доир Ленин ёзган тезисларнинг баёнини эълон қилди.

Ҳафталик газетанинг шу муносабат билан берган сўз бошида бундай дейилади: «Коминтернининг II конгресси коммунистик партиялар тузилган дастлабки даврда уларнинг олдида турган бир қанча муҳим проблемаларни ҳал қилиб берди.

Шу проблемаларнинг энг муҳимларидан бири бўлган аграр масаласига конгресс қатнашчилари ва шахсан В. И. Ленин жуда катта эътибор бердилар.

Ленин конресс делегатларига тақдим этилган ўзининг тезисларида қишлоқдаги синфий кучларнинг жойлашувини чуқур тасвирлаб берди ҳамда коммунистларнинг қишлоқ жамиятидаги турли социал табақаларга ёндошиш тактикасини белгилаб берди. Ленин революцион ҳокимиятнинг йирик феодаллар мулкига, ерни национализация қилишга ва энг камбағал деҳқонлар ўртасида тақсимлаб беришга нисбатан қандай позицияда туриши лозимлигини ҳам кўрсатиб ўтди».

Прогрессив «Ан-Нидо» газетаси: «Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. Ильич ҳаёти ва революцион фаолиятининг собоғи» деган махсус рубрикада В. И. Ленининг «Великорусларнинг миллий ғурури тўғрисида» деган мақоласидан парчалар босиб чиқарди.

* * *

УЛАН— БАТОР. Ульгий шаҳрининг (Ғарбий Монголия) марказий майдонида қурилаётган икки қаватли ёруғ бино Ленин кабинети учун тўла равишда бериб қўйилади, дейилади МОНЦАМЭ агентлигининг хабарида.

Баян-Улэгей аймоғи халқ депутатлари хуралининг ижрония бошқармасининг қарори билан шаҳарда Ленин кабинети бино қилинмоқда. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида ташкил этилаётган ва доимий ишлайдиган Ленин кабинети Ульгий шаҳрининг маданий ва оқартув марказларидан бири бўлиб қолади.

(ТАСС).

Ажойиботлар

Учадиган калтакесак излари

Қозоғистоннинг жанубидаги ҳозирги Қоратов тизмаси районида узоқ ўтмишда бўлган кўлнинг тубидаги чўкиндиларда учадиган калтакесак скелетининг тошга айланган излари топилди. Бу из тушганига тахминан 160 миллион йил бўлган. Олимлар скелет изини текшириб птерозаврнинг танаси мўйна билан қопланган, деган кутилмаган хулосага келдилар. Бу нарса ҳайвонлар эволюциясининг муҳим босқичи-иссиқ қонли калтакесаклар пайдо бўлишидан далолат берса керак.

Совет палеонтологлари Тянь-шан тоғ системасининг ғарбий этакларида бошқа бир ноёб нарсага дуч келдилар. У ерда олимлар учадиган калтакесак тўла скелетининг тошда яхши сақланиб қолган изини топдилар. Бу калтакесак бундан 190 миллион йил илгари яшаган, деб фараз қилинмоқда. Тадқиқотчилар калтакесак учадиган аппаратининг ғапати тузилганлигидан ҳайратда қолдилар. Улар калтакесакда қанот ролини олдинги оёқлари эмас, балки орқа оёқлари бажариб, унда алоҳида пардалари бўлганлигини аниқладилар. Шундай хусусият туфайли калтакесак парвоз қилиб олгач, қанот қоқмай учиш қобилиятига ҳам эга бўлган бўлса эҳтимол.

Ҳар икки ноёб топилдиқнинг тўла баёни Қозоғистон Фанлар академияси Зоология институти илмий асарларининг навбатдаги тўпламига киритилган.

В. ГАНЖА.
(ТАСС мухбири).
Олмаота.

Елец жомиси

Истеъдодли рус меъмори К. А. Тон ўтган асрнинг бошларида Елец шаҳрининг маъмурларига: «Қурадиган иморатим неча ўн йил ёки неча юз йил эмас, балки беш юз йил ёки ундан ҳам, кўпроқ турадиг», деб ёзган эди. Бу ерда унинг лойиҳаси билан ўша вақтда Россияда катта собор (жоми) қурилаётган эди. Дарҳақиқат, бу бино ҳеч путурсиз қатмаётгандай — 100 йилдан бери турган бўлсада, ҳеч шикастланганги йўқ. Собор аломатдан пухта аралашмадан тайёрланган ғиштдан қурилган, пойдеворга ҳам 60 пудли ғоят қаттиқ оҳактош плиталар қўйилган.

Елец соборини Иккинчи Исаакий собори ҳам дейишади. У Ленинградаги машҳур Исаакий соборидан салгина кичик, холос. Соборнинг 86 метрга кўтарилган заррин гумбази описдан кўзга ташланади.

Собор қурилаётган пайтда пойдевор учун қазилган чуқурдан тупроқ билан бирга жуда кўп одам суяклари ҳам қазиб олинганки, бу суякларда ёй ўқи ва найза излари бор эди. Тарихчилар шу жойда Елецликлар Темурланг қўшини билан қаттиқ жанг қилганлигини аниқладилар. Маълумки, шу жангдан сўнг Темурланг Россиянинг ичкарисига ўтмай, орқага қайтган. Ўша жангчиларнинг хоклари собор ёнига қайта дафн этилганди. Ўшанда боғлиқ меъмор Тон лойиҳаси бўйича мана шу ўртоқлар қабри устида улкан темир қалпоққа ўхшаш қилиб ишланган ёдгорлик ибодатхонаси ҳам қурилганди.

Ҳар икки тарихий ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган.

М. ГОЛАЧЕВ.
(ТАСС мухбири).
Липецк.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РАДИО

17 сентябрь
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Коммунистлар олдинги сафда» деган эшиттириш (русча). **18.10** Виргилиус Норейка куйлайди. **18.40** Спорт эшиттириши (русча). **19.20** Қозоқ куйлари. **20.00** «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **22.20** Тожик куйлари. **22.40** Шеърият кечаси (ўзбекча). **23.15** «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Хор қўшиқлари. **19.30** «Ажойиб» номли ҳикоя (русча). **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** Корейс куйлари. **21.00** «Мен — коммунист» деган радиокомпозиция (ўзбекча).

18 сентябрь
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Эстрада концерти. **9.30** А. Тертерян, Торли квартет. **10.10** Ватан ҳақида қўшиқлар. **10.30** Ўзбек операларидан парчалар. **11. 15**, «Колхозчининг ўйлари» деган эшиттириш (ўзбекча) **11.30** Ипполитов-Иванов. «Кавказ эскизлари». **13.30** Рус композиторларининг камер куйлари. **15.15** Куйлар. **15.45** «Ленин қадам жойларида», «Искра» бунёд бўлган жойда» деган суҳбат (ўзбекча). **16.10** Иттифоқдош республикалар композиторларининг симфоник куйлари. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** Ўзбекистон артистлари ижросида жаҳон халқларининг куйлари. **18.00** Иқтисод фанлари кандидати А. Муталовнинг «Ўзбекистон тўқимачилик саноати» деган суҳбати (ўзбекча). **18.10** М. Ашрафий. Тожик рақс сюитаси. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** Еш ижрочилар концерти. **20.55** «Саломатлик — туман бойлик» (ўзбекча). **21.00** «Ўзбекистонда маданиятнинг равнақи» деган суҳбат (ўзбекча). **21.15** Пахта далалари меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Дугор тароналари. **22.40** В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча). **23.15** Маком кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Куйлардан қуйлага. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Ешлар ижоди (ўзбекча). **19.30** Революцион қўшиқлар тарихидан. **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Республика композиторларининг сюиталари. **21.00** Ҳ. Назир. «Ленин номли» Бир колхоз очерклари (ўзбекча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 «ВАНЯ ТОҒА» Ҳамза номли театр спектаклининг монтажи. **15.30** Ж. Оффенбах. «Тожик найчи ашъеттаси. **17.00** Оркестр куйлари.

ТЕЛЕВИЗОР

17 сентябрь
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.45 Ленинча меҳнат вахтасида. **19.05** Қори Ёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси оркестри ва солистларининг концерти. **19.45** Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Ўқувчилар учун: «Ажойиб кишилар ҳаёти». С. Орджоникидзе. **20.45** Рангли телевидение программаси. **21.45** Экономика тараққиётига партиявий раҳбарлик қилишнинг ленинча принциплари. **22.15** Рангли телевидение программаси. СССРда ГДР маданияти кунлари олдидан. «Гўзал Лоретта». Музикали фильм. **23.35** «Вақт» информацион программаси. **00.30** Интервидение. Спорт программаси. **02.15** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **02.30** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.35 Болалар учун «Ёз хотиралари».

Рус тилида: 18.55 Болалар учун. «Хатолар ороли» мультфильми. **19.20** «Ёшлик» студияси кўрсатади. Спорт янгиликлари. **20.00** Пойтахтимиз меҳмонлари. Танаффус вақтида кинофильм.

Ўзбек тилида: 22.00 «Иккинчи истеъдод». Концерт. **22.40** «Сўнгги раунд». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Мен севган шаҳар». Илмий-оммабоп фильм.

Рус тилида: 20.35 «Сатира ойнаси». Катталар учун қўғирчоқ фильм. **20.45** «Москва юлдузлари». Санъат усталари концерти.

18 сентябрь
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари қўғирчоқ театрларининг фестивали. «Ой глобуси». Фрунзе қўғирчоқ театрининг спектакли. **18.30** Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. **18.50** Болалар учун «Лайлак» мультфильми. **19.00** Музикали телефильм.

Ўзбек тилида: 19.25 Телевизион янгиликлар. **19.40** «КПСС — интернационализм ленинча принципларининг тантанаси ва ҳозирги замон барча прогрессив кучларини жипслаштириш учун курашда». Суҳбат. **19.55** «Жасурлик учун крест». Бадиий фильм (рус тилида). **21.25** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.30 Интервидение. СССРДА ГДР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШИ. Союзлар Уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.55 Кўрсатувлар программаси. **13.00** Янгиликлар. **13.15** Болалар учун «Табиат мўъжизалари». **13.30** Экономика тараққиётига партиявий раҳбарликнинг ленинча принциплари. **14.00** «Сенга, ёшлик!». **14.30** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

18.00 «Дўстлик экрани». Душанбе телестудиясининг кўрсатувлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Концерт. **21.00** Беш йиллик йўлларидан.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.30 «Узоқ йўллар чорлайди». Телефильм. **22.00** «Ажал чангалида». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Инсонга бағишланган ҳаёт». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида: 20.20 Телеочерк. **20.40** «Ҳақиқат яхши, бахт ундан яхшироқ». Фильм-спектакль.



ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Қонли сароб**, 19/IX да **Бўрон қуши**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IX да **Жон қизлар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Венгер ва совет цирки артистларининг гастроллари.**

Кино

17 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Сингилгинам Керри — «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» «ДРУЖБА» (кечқурун).

Хавфли парвоз — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун); НАВОИЙ номли (кеч соат 8 ярим ва 10 да):

Кутлуғ қон (ўзбек тилида, (кеч соат 6.40 минутда):

Ўтган кунлар — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6.45, 8.30 минут ва 10 да):

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ярим ва 10 да бошланади)

Сингилгинам Керри — «ФЕСТИВАЛЬ»:

Хавфли парвоз — «ХИВА».

18 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Сингилгинам Кери — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Хавфли парвоз — «МОСКВА» эрталаб соат 10, 11-40 минут, кундуз 3 ва кеч 7 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 5, кеч 6-45 ва 8-30 минутда).

Утган кунлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Карантин — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Шантеклер малинкаси — «МОСКВА» (кундуз соат 1-20 минут, 5 ва кеч 9 да).

Малиновкада тўй — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11-45, кундуз 1.30, 3-15 минут ва кеч 10 да).

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИГА

бош бухгалтер ўринбосари, канцелярия мудири, кассир, лаборант, гардеробчи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ремесленная кўчаси, 8-уй.

КИНОПРОКАТ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИГА

бухгалтер, фильмлар базасига ишчилар, фильм текширувчилар ва уларга шогирдлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 35-уй. Телефон 5-28-03.

Картограф-чизмачи техниклар тайёрлаш бўйича
1 йиллик курсга
8—10 синф ҳажмида маълумотлилар таклиф қилинади

Шунингдек печатчилар қоғоз ҳисобчилари, қабул қилувчилар, картограф, чизмачи, қўлда ҳарф терувчилар ва турли касбларга шогирдлар

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 93-уй.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
1970 ЙИЛ УЧУН
марказий, республика газета ва журналларига

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обунани «Союзпечать» бўлимлари ва агентликлари, алоқа тармоқлари ва бўлимларида, шунингдек жамоатчи ва матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштириш мумкин.

Узбекистон ССР Алоқа министрлиги «Союзпечать» бошқармаси.

А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕАТР-РАССОМЛИК ИНСТИТУТИГА

ўқув бўлими диспетчери, кутубхоначи, библиограф, ўқув техник воситалари кабинети лаборанти (радио овоз ёзиш ва овоз такрорлайдиган аппаратлар), **бадиий керамика бўйича ўқув мастери, таъминот бўйича агент, дурадгор, радиотехник, театр саҳналари машинисти, саҳна ишчилари, электр билан ёритувчилар, мебель-реквизитор, бутафор, гримчи-рассом**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй 7, 8, 10, 11-трамвайлар: 3, 10; 11-троллейбусларнинг «Туркман бозори» бекати).

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ШУ ПАЙТГАЧА БЎЛГАНИДЕК, КЕЛАСИ ЙИЛДА ҲАМ РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИ ҲАЁТИНИ КЕНГ ЁРИТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА ПОЙТАХТ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ ВА ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИДАГИ ЖУШҚИН МЕҲНАТ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ, ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИ КУЙЛОВЧИ, ШАҲАР ХУЖАЛИГИДАГИ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ ОЧИБ ТАШЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР БЕРИЛАДИ. ГАЗЕТХОНЛАР ФАН, МАДАНИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ОЛАМИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН МУНТАЗАМ ТАНИШТИРИБ БОРИЛАДИ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИГА 1970 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ» КОНТОРАЛАРИ ВА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ОБУНА БАҲОСИ 6 ОЙГА 3 СЎМ, БИР ЙИЛГА 6 СЎМ

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 17 СЕНТЯБРЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт—санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими— 33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42:

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

НАШР 2853. Р — 03322.